


Ҳарами шарифга кириш



08:00 / 15 июнь 5773

Эҳромдаги киши Маккага киришдан олдин мийқотда имкон топиб, ғул қилиб олса, яхши бўлади. Шаҳарга кириб, жойлашиб бўлгач ўша заҳоти Масжидул-Ҳаромга ошиқади. Унга «Бобус-салом» эшигидан тавозе билан, ўзини хоксор тутган ҳолда, талбия айтиб, хушуъ билан киради. Бошқа эшиклардан кириш ҳам жоиз.

Ҳарамга киришда қуйидаги дуо ўқилади:

«Аллоҳумма инна ҳааза ҳарамука ва ҳараму Расулика. Фаҳаррим лаҳмий ва дамий ва аъзмий аълан наари. Аллоҳумма ааминний мин аъзабика явма табъасу иъбадака».

Маъноси: Эй Аллоҳим, бу Сенинг ва Расулингнинг ҳарами. Гўштимни, қонимни ва суюгимни дўзахга ҳаром қилгин. Эй Аллоҳим, бандаларингни қайта тирилтирадиган кунингдаги азобингдан мени омонда қилгин.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккага етиб келган чоғларида энг аввал қилган ишлари таҳорат олиб, Байтни тавоф

қилиш бўлди».

Имом Бухорий ривоят қилган.

Бу тавоф «тавофи қудум» – янги келиш тавофи дейилади. Бу тавоф суннатдир.

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон ҳаж ёки умрада дастлаб келишлари билан тавоф қилсалар, Байтнинг уч тавофини тезлаб қилардилар. Кейин тўрт тавофни юриб қилардилар. Сўнгра икки ракат намоз ўқирдилар. Ундан кейин Сафо ва Марва ўртасида саъй қилар эдилар».

Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий, Насоий ривоят қилишган.

Термизийнинг лафзида:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккага келганларида масжидга кирдилар, ҳажарни истилом қилдилар. Сўнгра унинг ўнг томонига қараб юриб кетдилар. Учта рамл қилдилар. Тўртта юриш қилдилар. Сўнг мақомга келиб: «Мақоми Иброҳимни намозгоҳ тутинглар», дедилар ва икки ракат намоз ўқидилар. Мақом у зот билан Байтнинг орасида турди. Сўнг ҳажарнинг олдига бориб, уни истилом қилдилар. Кейин Сафога чиқиб: «Албатта, Сафо ва Марва Аллоҳнинг шиорларидандир», дедилар».

Бошқа бир ривоятда:

«Одатда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам аввалги тавофни қилсалар, уч марта лўккилар ва тўрт марта юрар эдилар», дейилган.

Ҳаж ёки умра қилувчи Каъбатуллоҳга нигоҳи тушиши билан «Аллоҳу акбар!» деб такбир ва «Ла илаҳа иллаллоҳ» деб таҳлил айтиб, қуйидаги дуони ўқийди:

«Аллоҳумма зид ҳазал Байта ташрифан ва таъзиман ва тақриман ва маҳабатан ва биррон ва зид ман шаррофаҳу ва аззомаҳу мимман ҳажжаҳу ави ъитамароҳу ташрифан ва таъзиман ва тақриман ва маҳабатан ва биррон».

Яъни: «Эй Аллоҳ, ушбу Байтнинг шарафини, улуғлигини, ҳурматини ва яхшилигини зиёда қил. Ҳаж ва умра қилувчилардан ким уни шарафласа ва улуғласа, ўшанинг ҳам шарафини, улуғланишини ва ҳурматини, ҳайбатини ва яхшилигини зиёда қил».

Сўнгра:

«Аллоҳумма антас-саламу ва минкассаламу фаҳаййина Роббана бис-салам», деган дуони ўқийди.

Маъноси: «Эй Аллоҳим, Сен Саломсан ва салом Сендандир. Эй Роббимиз, салом билан ҳаёт кечиримизни насиб эт».

Яна ҳар ким ўзи нимани хоҳласа, шуни сўраб, дуо қилади. Шу билан бирга, Байтуллоҳни кўрганида қалбида унинг улуғлигини ҳис қилади. Шундай улуғ жой зиёратига эриштирган Аллоҳ таолога ҳамду санолар айтади ҳамда уни тавоф қилишдек улуғ бахтга сазовор этгани учун шукр қилади.

ТАВОФНИ БОШЛАШ

Кейин ҳажарул-асваднинг (қора тошнинг) қаршисида тўғри туриб, худди намоздаги каби қўлини кўтариб такбир ва таҳлил айтади. Сўнгра тавофни бошлаш учун иложини қилса, ҳажарул-асвадни ўпади.

Кези келганда айтиб ўтиш керакки, ҳажарул-асваднинг маъноси «қора тош» дегани. У Каъбаи муаззаманинг эшиги яқинидаги бурчакка ўрнатилган бўлиб, Пайғамбаримиз алайҳиссалом уни ўпганлар, Шунинг учун у ўпилади. Аммо авом халқ ўйлаганидек, ҳамма нарса шунга боғлиқ эмас.

Ҳазрати Умар ҳажарул-асвадни ўпа туриб: «Биламан, сен бир тошсан, фойда ҳам, зарар ҳам бермайсан. Пайғамбаримиз алайҳиссалом сени ўпганларини кўрмаганимда ўпмас эдим», деганлар.

Айтмоқчимизки, ҳажарул-асвадни ўпаман деб тўполонга кириб, уриниб, ҳориб-чарчаб, мусулмонларга озор бериш ҳоллари, ҳатто баъзан ҳушидан кетиб ўлиб қолиш ҳоллари ҳам учрайдики, бунинг асло кераги йўқ. Ҳажарул-асвадни ўпиш суннат, мусулмонларга озор бермаслик эса, вожиб. Шунинг учун энг аввало вожибга амал қилиш аъло. Узрлилар узоқдан қўллари ёки қўлларидаги бирор нарса билан ишора қилиб туриб, ўшани ўпадилар. Албатта, бу ишни тавофнинг нияти билан қилади.

Ифрод ҳажини ният қилган ҳожи ушбу тавофни «қудум» деб, қирон ва таматтуъни ният қилганлар эса, «умра тавофи» деб ният қиладилар ва тавофни бошлашдан олдин қуйидаги дуони ўқийдилар:

«Бисмиллаҳи валлоҳу акбар. Аллоҳумма ийманан бика ва тасдийқон би китабика ва вафаан би аҳдика ва иттабъан ли суннати Набиййика саййидина Муҳаммадин соллаллоҳу алайҳи васаллам», дейди.

Маъноси: Аллоҳнинг номи билан, Аллоҳ улуғдир. Эй Аллоҳ, Сенга иймон келтириб, Сенинг Китобингни тасдиқлаб, Сенинг аҳдингга вафо қилиб ва Пайғамбаринг саййидимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига эргашиб тавофни бошлайман.

Агар бу дуони ўқий олмаса, «**Бисмиллаҳи Аллоҳу акбар валиллаҳил ҳамд**»ни ўқиса кифоя қилади.

Тавофни бошлашдан олдин ўнг елкани очиш лозим. Бунда ридо ўнг қўлтиқдан ўтказилади. Бу ҳолат «идтибоъ» дейилади.

Тавофни ҳажарул асвад рўпарасидан бошлаш вожибдир, бошқа жойдан бошлаш мумкин эмас. Чап елка Байтуллоҳга қаратилиб, қисқа, шахдам қадамлар билан юриш бошланади. Бундай юриш «рамл» дейилади. Дастлабки уч айланишда рамл қилинади.

Аёллар одатдагидек юрадилар. Қодир бўлганларга юриб тавоф қилиш ҳам вожибдир.

Аввал айтилганидек, ҳатиймни (Каъбаи муаззама ёнида пойдеворга ўхшатиб кўтарилиб қўйилган жойни) қўшиб айланиш вожиб. Ким орадан ўтиб, ҳатиймни қўшмай айланса, тавоф ўрнига ўтмайди.

Шундай қилиб, ҳажарул-асваддан бошлаб тавоф қилиб, билган дуоларини ўқиб, яманий рукни ҳам истилом қилинади ёки унга қўл билан ишора қилиб, қўл ўпилади (яманий рукни тавоф йўналиши бўйича ҳисоблаганда, Каъбанинг ҳажарул асвадга яқин қолган бурчаги). Тавоф вақтида яманий рукнига етилганда икки қўли ёки ўнг қўли билан уни ушлаб қўйиш суннатдир. Ўпиш эса, суннатга хилофдир. Яна шуни эсда тутиш керакки, яманий рукнини (рукни яманийни) ушлаётганда кўкси билан у тарафга бурилмай ушлайди. Аммо қора тошни истилом қилишда кўкси билан у томонга бурилиш мумкин. Агар рукни яманийни ушлаш имкони бўлмаса, уни ушламай тавофида давом этади. Чунки бу ерда тиқилинч юзага келтириш мумкин эмас. Ҳар шавтда қора тош рўбарўсига келганда

«Бисмиллаҳи Аллоҳу акбар» деб қўли билан қора тошга ишора қилиб, қўлини ўпади.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Байтнинг атрофида тавоф қилиш намоз ўхшайди. Аммо сизлар унда гаплашасизлар, холос. Ким унда гапирса, фақат яхшиликни гапирсин», дедилар».

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам (Маккага) келиб, Байтни етти марта тавоф қилдилар, Мақомнинг орқасида икки ракат намоз ўқидилар, Сафо ва Марва орасида етти марта саъй қилдилар. Батаҳқиқ, сизлар учун Расулуллоҳда гўзал ўрнак бор эди».

Бухорий ривоят қилган.

Абдуллоҳ ибн Соиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг рукни яманий ва Ҳажарнинг орасида: «Роббимиз, бизга яхшиликни бу дунёда ҳам, охиратда ҳам бергин ва бизни дўзах азобидан сақлагин» деганларини эшитдим.

Аҳмад, Абу Довуд ва Ҳоким ривоят қилишган.

Ибн Можанинг ривоятида шундай дейилган:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Яманий рукнига етмиш минг фаришта вакил қилинган. Ким: «Аллоҳумма, инни асълукал афва вал афията фиддуня вал охиरोҳ. Роббана, атина фиддунйа ҳасанатан ва фил ахироти ҳасанатан ва қина азабан-наар» деса, улар «омин» дейишади», дедилар».

Ибн Можанинг бошқа бир ривоятида:

«Ким Байтни етти марта тавоф қилса ва «Субҳаналлоҳи вал ҳамдулиллаҳи ва ла илаҳа илаллоҳу валлоҳу акбар, вала ҳавла вала қуввата илла биллаҳи»дан бошқани гапирмаса, унинг ўнта ёмонлиги ўчирилади, унга ўнта ҳасанот ёзилади ва даражаси ўнтага кўтарилади», дейилган.

Тавоф пайтида ўқиладиган махсус дуо ривоят қилинмаган, ҳар ким билганича дуо қилиб, Аллоҳга илтижо қилса, яхши бўлади.

Ҳажарул-асвадга етилганда бир тавоф ҳисобланади. Яна «Бисмиллаҳи, валлоҳу акбар», деб ҳажарул-асвадни истилом қилиб, иккинчи тавофни бошлайди, шу тариқа етти бор тавоф қилиш лозим.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

(Мўминнинг умр сафари китобидан)